



СУВ ЁРДАМИДА УЗОҚ УМР КҮРИШ УСУЛЛАРИ

Шожалилова Дилбар Нодир қизи

EMU University,

Даволаш иши факультети, 1- босқич талабаси

Аннотация. Мақолада сувнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти, сув ёрдамида узоқ умр күриш сирларини баён қилинади.

Калит сўзлар: инсон танаси, хужайра, Абу Али ибн Сино, қариш, касалликлар, артезиан сув, қайнатилган сув, минераллар, Хитой табобати.

Сув — табиатнинг бебаҳо неъмати, бамисоли ер, қуёш ва ҳаво сингари инсоният, ҳайвонот ва наботот олами тириклигининг асосий омилидир. Биз уни ҳар доим истеъмол қиласиз ёки қандайдир коримизга ишлатамиз.

Ер юзидағи бирор тирик организм сувсиз яшаётмайди, чунки ундаги тўқималарнинг асосий қисмини сув ташкил қиласи. Масалан, 18 ёшдан 50 ёшгача бўлган кишиларнинг организмида гавда оғирлигининг 61% ни сув ташкил қиласи. Аёлларда, семиз кишиларда ва кексаларда бу кўрсаткич бироз пастроқ бўлади. Одам танасидаги сувнинг 70% хужайра протоплазмасини, 23% тўқималараро суюқликни, қолган 7% эса қон плазмасини ҳосил қиласи. Организмда сувнинг бир йўла 10% га камайиши одамни оғир аҳволга солиб кўяди, унинг 20-25% га камайиши эса кишини ҳалок қиласи. Сув айниқса сувда яшовчи ҳайвонлар танасида кўпdir. У, масалан, медузада гавда оғирлигининг 99,7% ни ташкил қиласи

Одам организми ўз ҳаётий жараёнларини амалга ошириши учун суткасида ўртacha 2,5 л. сувни қабул қиласи ва уни ўз тўқималаридан ўтказиб, чиқариб юборади. Жумладан 400 млitr сув нафас чиқариш жараённида сув буғи ҳолатида чиқарилади. Организмдаги кўпроқ сув (1,5 литрга яқин) сийдик ва ҳожат билан чиқарилади, қолгани тер безлари орқали чиқарилади. Бу кўрсаткич ўрта ёш инсонлардла. Ёш ўтган сари бу кўрсаткич камайиши тасдиқланган. Организмга сув кириши хам, сув чиқиши хам камаяди.

Булар сизу биз ўз кўзимиз билан кўриб, ишонч ҳосил қилишимиз лозим бўлган оддий далиллар. Аммо сувнинг яна бир мўъжизавор хоссаси бор, у ҳар қандай қувватни ўзида акс эттирувчи ахборот ташиш омилидир, лекин буни кўпчилигимиз билмаймиз.

Бу сирни Абу Али ибн Сино ўзининг “Тиб қонунлари” асарида айтиб ўтган.

У қаришнинг асосий омили “организм сўлиб қолишида”, деб ҳисоблаган. Замонавий илм-фан ҳам бу фикрни тасдиқламоқда – ёш ўтиши билан организмдаги сув миқдори камайиб боради.



Бу эса қон ва лимфаларнинг қуюқлашиши, тери, мушаклар эгилувчанлигининг камайиши, бош, бўғимдаги оғриқларга олиб келади.

Хўш, бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Жавоб жуда оддий - организмни намлантириш, суюқлик билан тўйинтириш, яъни сув ичиш керак. Бироқ қачон ва қай ҳолда?

Олимлар сувни эрталаб совуқ бўлмаган, аксинча 40 градусдаги иссиқ-илик ҳолатда истеъмол қилишни тавсия қиласидар. Қанча ичолсангиз, мисол учун 1 стакан, 2, 3.... шунча ичишингиз мумкин. Бироқ бошланишида аста-секинлик билан бошлаб, кейинчалик кўпайтириб боринг.

Агар аввал эрталаблари сув ичмаган бўлсангиз ёки уни умуман кам истеъмол қиласандигиз, бир неча қултумдан бошлаб, кун сайин дозани ошириб боришингиз мумкин.

Қайнатилган сув фойдалими ёки крандаги? Артезиан қудуклари ва булоқлардан олинган сув энг фойдали ҳисобланади. Бу минерал сув. Минерал ва минераллашган тушунчаларни фарқлаш керак. Минерал - сувни фойдали компонентлар билан энг табиий тарзда бойитган табиий манба.

Ошқозон-ичак тракти ва тананинг бошқа ҳаётий тизимларига зарар бермаслик учун сиз тоза табиий сув ичишингиз керак. Ичимлик учун энг яхши сув бу хом ва қайнатилган ҳолда истеъмол қилиш учун маҳсус мўлжалланган дўконлардаги сувдир.

Хом ва қайнатилган сувни аралаштириш мумкинми?

Аслини олганда, қайнатилган сувни хом сув билан аралаштириш, одамлар томонидан истеъмол қилиш учун муҳим бўлган барча хусусиятларида яна қайнатилмаган сувга олиб келади. Агар маълум бир манбадан қайнатилмаган сувда бактерия ва вируслар бўлиши мумкин бўлса, улар аралаштирилганда қайнатилган сувга ўтади.

Қайси ҳароратдаги сув фойдали? Буни эътиборга олиш жуда муҳим. Айниқса, оч қоринга истеъмол қилинганда, бу омилни эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Одамлар учун хона ҳароратида ёки ундан юқорироқ сув ичиш фойдалидир. Ошқозонга кирадиган совуқ сув уни спазм қиласи ва овқат ҳазм қилишни тўхтатиб қўяди.

Чунки муздек сувни ошқозон аввал иситиб, кейин ўтказиб юборади. Хитойликлар эса сув ва бошқа таомларни иситиш буйраклар қуввати ҳисобига амалга оширилади, деб ҳисоблайдилар, шунинг учун муздек сув ичишни тавсия қилмайдилар. Буйраклар қувватини беҳуда сарфламасдан, уни асраб-авайлаш ва кўпайтириш лозим.

Яна бир муҳим нарса. Ошқозонга сув тушган вақтда ҳазм қилиш жараёни содир бўлмаётган бўлиши керак, акс ҳолда ақлли организм уни ичакка эмас, ҳазм



қилиш ферментларини аралаштириш учун йўналтиради. Эрталаб оч қоринга ичилган сув заҳарли моддалар, ошқозонда ҳазм бўлмаган овқат қолдиқларини ювади ва йўғон ичак фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Ошқозон - ичак йўлини иш бошлишга тайёрлайди. Ярим соатдан кейин эса нонушта қилиш мумкин бўлади.

Демак, эрталаб оч қоринга фақат илиқ сув ичиш лозим.

Шуниси эътиборлики, эрталаб иссиқ сув истеъмол қиласиган инсонларда ажинлар кам бўлади. Бу фикр қўплаб косметологлар билан муҳокама қилинган, улар буни тасдиқлашган. Аёллар терисида ижобий ўзгаришни пайқагач, эрталаб 1 стакан эмас 2 ёки 3 стаканлаб сув ичишни бошлайдилар.

Сувни қайси пайтда истеъмол қиласиган маъқул? Эрталаб 5 дан 7 га қадар ва кечқурун уйқуга ётишдан олдин.

Уйқу олдидан сув ичиш ё ичмаслик ўзингизга ҳавола. Агар шишлар ва тунда хожатхонага боришдан қўрқиб, авваллари ётишдан олдин сув ичмаган бўлсангиз, организмни аста-секинлик билан ўргатиш лозим. Муҳими эрталаб сув ичинг! Уни бироз лимон суви билан нордонлаштириш ҳам мумкин.

Бироқ чой, компот ёки бошқа суюқлик сувнинг ўрнини боса олмаслигини унутманг!

Хитой табобатига кўра, сув асаб тизимиға ҳам ижобий таъсир кўрсатади, руҳий зўриқишиларнинг олдини олади (руҳий зўриқишдан кейин бир стакан қайноқ сув хўплаб ичилса, организм мазкур салбий ҳолатни заарсиз “эритиб боради”), ҳавотирни камайтиради.

Асосий қоида! Ишонсангиз ҳам, ишонмасангиз ҳам, буни қилинг! Сидқидилдан қилинган тоат-ибодат, эзгу тилаклар, ширин сўзлар ва дилрабо куйлар сувга ижобий хусусият бағишлиди. Сувни идишга солгач, у билан обдон “суҳбатлашинг”. Фақат қалбингизни қийнаётган муаммолар ҳақида чурқ этманг, чунки улар заарли унсурлар миқдорини кўпайтириб юборади. Энг муҳими, сиз сувдан завқланинг. Жуда бебаҳо, ажойибдан-ажойиб неъмат эканлигини айтиб, уни мақтанг. Сиҳат-саломатлик, фаровон ҳаёт, баҳт, севги, омад ва бошқа эзгуликлар ҳақида сўз юритинг.

Шунда, хоҳ ишонинг-хоҳ ишонманг, мўъжиза рўй беради. Илиқ гапларни “tinglagan” сув ўз таркибини тўлиқ ўзгаритириб, мусбат қувватга эга бўлади. Бу инсон саломатлиги учун ўта муҳим омил ҳисобланади.

Сув ичинг ва саломатлигинизни ген даражасида, ДНК даражасида сақлаб қолинг.

Адабиётлар:

1. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Suv>
2. Фирейдон Батмангҳелидж. “Саломатлик учун сув” . Москва: Потпури, 2008й



3. Дарья Нилова. “Вода — источник здоровья, эликсир молодости”. Москва, 2014 й.
4. Эртимо Лаура. “Сув. Дунёдаги энг муҳим модда ҳақида китоб”. КомпасГид нашриёт уйи, Москва, 2019 й.

